

## ЁШЛАР СЛЕНГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахимов Зокир

ФДУ доценти, ф.ф.н.

Насимов Жалолдин Сойибжон ўғли

ФДУ Лингвистика таълим йўналиши магистранти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сленгнинг замонавий тилшуносликдаги ўрни ва унинг социолингвистик хусусиятлари кўриб чиқилади

**Калим сўзлар:** сленг, сленгизмлар, ижтимоий гурухлар, социолингвистика, ёшлар нутки.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются особенности молодежного сленга в современной лингвистике и его социолингвистические особенности.

**Ключевые слова:** сленг, сленги, социальные группы, социолингвистика, молодежная речь.

### ABSTRACT

*The paper deals with the peculiarities of youth slang in modern linguistics and its sociolinguistic features.*

**Key words:** *slang, slangs, social groups, sociolinguistics, youth speech.*

### КИРИШ

Хозирги замон тилшунослигига сленг энг қизиқарли тил тизимларидан бири ҳисобланади. Сленг - бу муайян ёшдаги ва аҳолининг ижтимоий гуруҳлари томонидан муайян вазиятларда, кўпинча ёшлар томонидан қўлланиладиган сўз ва иборалар бўлиб, у ушбу жамоанинг турмуш тарзи ва урф-одатларини акс эттиради. Ижтимоий гуруҳ - бу ўзаро муносабатлари умумий манфаатлар ва мақсадларга асосланган одамлар жамоасидир. Ҳар қандай ижтимоий гуруҳ тарихан белгиланган меъёrlар доирасидаги шахсларнинг муайян муносабатларини ўзида мужассам этади.

Сленг деганда биз одатда оғзаки нутқ турларидан бирини тушунамиз. У жамият томонидан норасмий нутқ шакли сифатида баҳоланади. Сленг тушунчаси орқали, стилистик характерга эга ва майдони нуқтаи назаридан турли бўлган сўзлар ва фразеологизмлар бирлашади. XIX аср бошларидан бошлаб инглиз лугатшунослари сленг атамасини қўллай бошлайдилар. Сленг атамасини турли тилшунослар турлича ифодалайдилар, халигача унинг аниқ бир этимологияси мавжуд эмас. Замонавий тилшуносликнинг ёшлар нутқи муаммоларига катта қизиқиши, нутқ тилининг мулоқот жараёнларидағи ўрни,

шунингдек, ёшлар сленгини оғзаки нутқи нуқтаи назаридан кўп қиррали ўрганиш қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Ёшлар сленги ёши бўйича бирлаштирилган кўплаб одамлар учун алоқа воситаси бўлсада ва объектив мавжудлигига қарамай, у ҳодиса макон ва замонда харакатчан ва ўзгарувчандир. Бу тенденцияни оммавий ахборот воситалари сахифаларида нутқнинг стилистик жиҳатдан қисқартирилган элементларидан фойдаланишининг сезиларли даражада кўпайиши, жумладан, ёшлар сленгларининг кенг қўлланилишида ҳам қўриш мумкин.

Замонавий инглиз тилида эса сленг оғзаки нутқнинг асосини ташкил қиласди ва унинг тил лугат бойлигини катта қисмини эгаллайди. Сленг – бу оғзаки нутқнинг бир тури бўлиб, у маълум бир гурӯх томонидан қўлланилади. Сленгни одатда социал диалектга мансуб ва у адабий тилга хос деб таъриф берилади. Сленг инглиз тилида ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан ўзига хос ҳусусиятга эгадир. Олимлар Британия ва Америка сленгларини жуда қизиқарли ва бой лексик майдон деб ҳисоблашмоқда. Лексиканинг бу категориясига доир жуда кўп адабиётлар, лугатлар ва монографиялар мавжуд бўлсада, буни етарлича дея олмаймиз.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Инглиз сленги инглиз тилининг бир қатламидир. Замонавий инглиз тилшунослигида сленг сўзлашув тилнинг фаол ва лугат таркибининг мухим қисмини намойиш этади. Сленг турли социал гурӯхлар орасида, айниқса унинг яратувчиси бўлган ёшлар орасида кенг тарқалган.

Маълумки, XIX аср охирларида инглиз тилшунослари сленгларни яъни, жонли нутқнинг кўринишларига, унинг ҳусусияти ва адабий тилга бўлган боғлиқлигига эътиборни кўпроқ қаратиша бошлади. Натижада, сленг бўйича кўплаб илмий ишлар ва тадқиқотлар пайдо бўлди. Сленгнинг тадқиқот қилиш муаммоси бўйича кўзга кўринарли ишлардан бири Дж. Брендер Метьюз (J.Brander Matthews Functioning of Slang. Harper's Monthly Magazine, 1893) эди. 1893 йилга келиб хатто зиёлилар орасида ҳам сленгга яхши муносабатда бўлишни бошлашди, деб таъкидлайди Ж.Б.Метьюз. Сленг лугатлари орасида Дж.Фармер ва У.Е.Хенлининг, ва айниқса Эрик Партижнинг умумлашган лугати мақтовга лойиқ ишлар деб кўрилмоқда. Чет эл лексикологларининг ишларини кўриб, сленг тушунчасини аниqlанишда бир қанча тушунмовчиликларга олиб келгани кўришимиз мумкин. Кўп холларда, асосан оғзаки нутқда ва маълум бир гурӯхларда пайдо бўлган, оммада стилистик мақсадларда қўлланиладиган сўзлар ва иборалар сленглар деб ҳисобланмоқда.

Тилда сленгнинг мавжудлигини, кўплаб тилшунослик мактаблари ва турли изланувчилар нуқтаи назаридан қўйидаги хусусий концепцияларда кўрсак бўлади.

1. Кўплаб тадқиқотларда сленг бадиий адабиётларга қарши қўйилмоқда, аммо шу билан биргаликда бир хил ёзувчиларда сленг жаргон ва профессионализмлар, қисман диалектал вариантлар сифатида тушинилади.

2. Сленг аниқ стилистик луғат элементлари мақсадида қўлланиладиган ва янгилик яратувчи сифатида кўрилади.

3. Сленг "психологик" нуқтаи назардан профессионал гурухларнинг шахсий ижоди сифатида намоён бўлади.

Замонавий тишуносликда сленг атамаси 4 хил турда ифодаланилади:

а) чекланган ижтимоий ва ижтимоий этник гурухларнинг (ёшлар сленги, қасб-хунарга оид сленг) ўзаро қўлланиладиган маҳсус луғат;

б) қўпол, баъзан қурилмаган иборалар;

в) на адабий тилга ва на шевага кирган сўзлар;

г) хаммабоп лексик қатлам.

Хар бир инглизнинг тил нуқтаи назаридан мавжудлигини сленгсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса мактаб сленг сўз бирликлари хар қадамда қўлланилади. Ёшлар сленгни бойитувчилар хисобланади.

Мисол тариқасида ёшлар нутқидан олинган сленгни келтирамиз:

### *A Foxy Girl*

*Mary is sure a fox. Don't she have some boss rags? She looks like she got a lot of soul. She is cool and out -of -sight. Her shoes are clean, and her hair style is real boss. Man, she is fine.*

Стандарт инглиз тилида:

### *A beautiful girl.*

*Mary is surely a nice looking girl. Doesn't she have some beautiful clothes? She looks asif she has a lot of spirit. She is exciting and good. Her shoes are attractive and her hair style is really nice. John is relly good looking.*

Ушбу лексик қатламга киравчи бирликларнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

**Қисқалик.** Кўпинча янги сўзлашув иборалари ва сўзлари узоқроқ ва талаффуз қилиш қийинроқ бўлган конструкцияларни алмаштиради. Ёшлар қисқа ва лўнда гапиришни яхши кўрадилар. Масалан, "Қандайсиз?" деб таржима қилинган машҳур сленг сўзи "Watcha" ёки "What cheer" иборасидан тузилган.

**Эмоционаллик.** Ёшлар нутқи эмоционал бўлиб, унда ҳиссий жиҳатдан нейтрал луғат деярли йўқ. Шунинг учун, инглиз тилида замонавий сленгни ўрганаётганда, ҳар бир алоҳида ибора қандай маънога эга эканлигини аниқ назарда тутмоқ керак. Шундай қилиб, "Noob" сўзи шунчаки "омадсиз" эмас, балки бирор нарсани қандай қилишни билмайдиган, бошқаларни турли саволлар билан безовта қиласидиган ва бирон бир ишни ўрганишдаги муваффақиятсизликларидан доимо шикоят қиласидиган одамни англатади.

**Машхурлик** (Популярность). Интернет туфайли инглиз тилидаги сўзлашув лексикаси бутун дунё бўйлаб ақл бовар қиласидиган тезликда тарқалмоқда. Бирорта машхур сериалда янги ибора эшитилиши билан эртаси кунидан бошлаб у барча қитъаларда мароқ билан ишлатилади.

Таҳлиллар шуни қўрсатадики, сленгнинг лексик қатлами жуда динамик: унда доимий равишда янги иборалар пайдо бўлади ва эскилари машҳурлигини аста-секин йўқотиб, унутилиб, йўқ бўлиб кетади. Сленг одатда нейтралдир, турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари томонидан маҳсус коммуникатив вазиятларда қўлланиладиган табу сленглари бундан мустасно (мисоллар қўйида келтирилган):

*Спортчиларнинг сленги:* a slam dunk - юқоридан отиш (баскетболда) ва a foul ball - маг'луб бўлган, a switch hitter - ўнг ва чап қўл билан хизмат қиласидиган зарба, a roundball - баскетболнинг бошқа номи. Спортчилар сленги кўпинча от, қўшма от, фразема ва икки қисмли номинатив бирликларнинг қўлланиши билан тавсифланади.

*Телевизорда ишлайдиган ходимлар сленги:* off-net - синдикатга сотилган сериалларнинг такрорий намойишлари, a wicket – кўп даромад келтирувчи фильм, одатда чет эл фильм, a one-hander - бир актёр иштироқидаги фильм, a sprocket opera – кинофестивал.

*Америкалик юқ машинаси ҳайдовчилари сленги:* Alligator - Йўлда ётган шина бўлаги, Alligator radio/station – Ҳайдовчи кабинасидаги радиостанция, Bear - Қонуннинг ҳар қандай вакилига ишора қиласидиган умумий атама, Bear in the air - Юқоридан ҳаракат тезлигини бошқарадиган полиция вертолёти.

Таҳлил қилинган сленг лексик бирликлар натижасида шуни таъкидлаш керакки, сленг маълум ижтимоий гуруҳлар вакиллари нутқий хулқ-атворининг ажralmas қисми ҳисобланади. Асосий сабаб - уларнинг изоляцияга интилишлари, доимий равишда неологизмларни шакллантириш, қайта ўйлаш, метафоралаш орқали инглиз тилининг луғатини тўлдиришга "муҳим" ҳисса қўшишга уринишdir. Шуни ҳам таъкидлашни лозимки, ўз нутқида сленг ишлатадиган маълум бир гуруҳ одамларнинг ижтимоий мавқеи ёки маълумоти

ушбу гурухлар вакилларининг ушбу лексик бирликларни ишлатиш сонига таъсир қилмайди.

### **ХУЛОСА**

Шундай қилиб, сленгга берилган таърифлар бўйича хулоса қилсак сленгнинг аниқ бир маъноси бирлаштирилмаган, сленг номинациясига хар бир даврнинг ўз таърифи бўлгани учун хам унинг аниқланиши тобора мураккаблашиб борган. Сленг тадқиқоти соҳасида ранг- баранг қарашларнинг мавжудлиги ушбу ходисанинг ягона тизимга солинмаганлигини тасдиқлайди. Уни турли қарашларга кўра тахлил қилиб чиқсак, қуйидаги хулосага келишимиз мумкин - сленг нутқнинг иккинчи даражали шакллар тўплами бўлиб, сленглар эҳтиёжга қараб ўзгаради. У жамият томонидан норасмий нутқ шакли сифатида баҳоланади.

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Береговская Э.М. Молодежный сленг: формирование и функционирование // Вопросы языкознания, 1996, № 3,- 32-416.
2. Гальперин И.Р. О термине сленг. Вопросы языкознания. – 1956. - С. 110.
3. Кочеткова, М. А. Культурологические аспекты сленга: сленг американских студентов. Нижний Новгород. Издательство НГЛУ им. Н. А. Добролюбова, 2008. — 139 с.
4. Левикова С. И. Молодежный сленг как своеобразный способ вербализации бытия. (Бытие и язык. — Новосибирск, 2004. — С. 167–173)
5. Маковский М.М. Английские социальные диалекты – М: Высшая школа, 1982.- 656
6. Швейцер А. Д. Социальная дифференциация английского языка в США. М., 1983.
7. Flexner S. B. I hear America talking /An Illustrated treasure of American words and phrases/. New York, Van Nostrand, 1976.